



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2021 yil "20" 09

№ 231

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ижро интизомини кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ҳамда йиғилиш баёнларидаги "Ijro.gov.uz" дастурида соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилган, ижро муддати белгиланмаган топшириқларни самарали бажарилишини йўлга қўйиш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча таркибий тузилмалари раҳбарларига:

Жорий йилнинг 5 октябрь санасига қадар иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ҳамда йиғилиш баёнларидаги "Ijro.gov.uz" дастурида соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилган, ижро муддати белгиланмаган топшириқларни тасдиқловчи хужжатлари билан тизимга юклаб, назоратдан ечиш чораларини кўрсин;

Бунда доимий равишда бажарилиб бориладиган ҳамда объектив сабабларга кўра назоратдан ечиш имконияти мавжуд бўлмаган топшириқлар тўғрисида раҳбариятга маълумотлар киритилсин.

ижро муддати белгиланмаган ва доимий равишда бажарилиши кўзда тутилган топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотларни ҳар 6 ойда "Ijro.gov.uz" электрон тизимига киритиб борилишини таъминласин.

2. Ташкилий-назорат, девонхона бошқармаси (Х.Таджиев) мазкур топшириқ ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган таркибий тузилма раҳбарига нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида **жорий йилнинг 6 октябрь санасида** раҳбариятга таклиф киритсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари "Ijro.gov.uz" дастурида ижрочи этиб белгиланган бошқармалар фаолиятини тегишлилиги бўйича мунтазам назоратга олсин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Хаджибаев

Ўзбекистон Республикаси
 соғлиқни сақлаш вазирининг
 2021 йил “20” августдаги
 231-сон буйруғига
 Илова

**“Ijro gov.uz” дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти
 Фармон, қарор ва йўғилиш баёнларида ижро муддати белгиланмаган
 топшириқлар МОНИТОРИНГИ**

Масъул раҳбар	Масъул ижрочи	Жами муддати белгиланмаган топшириқлар	Шу жумлалан,	
			Оралик маълумот киритилган	Оралик маълумот киритилмаган
	Ёкубов Ж. (Кадрлар бошқармаси)	2	1	1
	Санаев Ф.	1	1	0
Хаджибаев А.	Гулямов З.	1		1
	Махмудов А.	45	11	34
	Хайдаров А.	2	2	0
Вазир ўринбосари Сабиров У.	Артиков Ж.	11	7	4
	Бўриев Б.	12	5	7
	Рахимкулов Ф.	7	2	5
Вазир ўринбосари Азизов А.	Расулов Н.	14	6	8
	Эшназаров К.	4	2	2
	Хасанов.Б	11	6	5
Вазир ўринбосари Баситханова Э.	Садиков М.	16	8	8
	Одилова Б	3	1	2
С.Кариев	ФТРА	19	4	15
ЖАМИ		148	56	92